БУГУНГИ СОНДА ЎҚИЙСИЗ:

• 1-бет:
РЕСПУБЛИКА ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВ ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ XI ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ САМИМИЙ ҚУТЛАЙДИ.

• 2-бет:
КОНВЕЙЕРДА ТОШКЕНТ ТЕЛЕВИЗОРЛАРИ. ЎЗБЕКИСТОН—ХИТОЙ ҚЎШМА КОРХОНАСИ МАСОФАДАН ТУРИБ БОШҚАРИЛАДИГАН «ОЙНАЙ ЖАҲОН»НИ ДАСТЛАБКИ ТУРКУМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРА БОШЛАДИ.

• 3-бет:
ЖАҲОН КИНОЮЛДУЗЛАРИНИ ТАНИЙСИЗМИ? АГАР ИСТАСАНГИЗ УЧИНЧИ САҲИФАГА БИР НАЗАР ТАШЛАНГ, УЧ ҚИТЪА КИНОКЎРИГИНИНГ ЮЛДУЗЛАРИ БИЛАН ТАНИШАСИЗ. МИЛЛИОНЛАР ЧЕГАРА ЭМАС.

• 4-бет:
«КУЧА ТАСОДИФЛАРГА ТУЛА». АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИДА СОДИР БЎЛАЁТГАН ҲОДИСАЛАР. МАБЛАҒЛАРИНГИЗНИ ЖАМҒАРМА БАНКЛАРИДАГИ ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАРГА ҚЎЙИНГ, БАХТИНГИЗ КУЛСА АЖАБ ЭМАС.

Ватан севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Обунанга — 1 сўм 50 тийин. Сотувда—3 сўм.

1992 йил 8 октябрь, пайшанба № 198 ((21.296).



ҚАҲРАМОН ДОИМО САФДА

Чеҳрасидан нур, ғурур ёғилиб турган бу отахоннинг уруш ўтмишлари, ҳаёт кечмишлари билан кўпчилик таниш бўлмаса керак. Уларни эса бир оғиз сўз билан изоҳлаб бериш мушкул. Шу боис Ғулом ака Каримовнинг уруш ва тинчлик йилларидаги фаолиятидан икки нуқтага эътиборингизни қаратмоқчимиз.

Бу воқеа 1945 йилда Карпат тоғлари этакларида содир бўлганди. Душман қўлидаги 305,0 номерли тепалик ҳарбий стратегик нуқтан назаридан жуда муҳим ҳисобланарди. Сабаби тепаликдан туриб Пашкани шаҳрини уловчи асосий шоҳ кўчани муҳофаза қилиш мумкин эди. Уни қўлга киритиш эса қурол-аслаҳа ортилган машиналарни, ҳарбий техникани олдинги марраларга йўллаш имконини туғдирган бўларди. Қўмондонлик ана шу тепаликни душмандан тортиб олишни лейтенант Каримов бошлиқ ротага топширди. Душман 35 та бетонлаштирилган дот билан бу ерга канадек ёпишиб олганди. Ғ. Каримов бор ҳарбий маҳоратини ишга солди. Кутилмаган жойлардан қўққисдан ҳужум қилди. Ҳар икки тарафдан кўп талафот берилди. Бомбардимондан, ўқлар ёмғири ва замбараклар наърасидан ҳаммаёқ ларзага келди. Ер ёнарди, тош ёнарди, қурол-аслаҳа ёнарди. Беш кеча-кундуз шу зайлда ўтди. Каримов ротаси душманнинг 50 га яқин ҳамласини қайтариб, ўзи ҳам ҳужум қилиб турди. Сувсиз, ўқсиз, озиқ-овқатсиз мардларча жанг қилган рота муҳим топшириқни бажарди.

Урушдан кейинги йиллар ҳам гарчанд у уруш ногирони бўлса-да меҳнатдан, хайрли ташвишлардан қочмади. Қишлоқ кенгашида раис, қишлоқ хўжалиги техникаси Қибрай район бирлашмасида узоқ йил масъул ходим бўлиб ишлади. Қўлидан келганича одамларга яхшилик қилди. Қайтар дунё, деганларидек эндиликда ўша яхшиликлар ўзига қайтмоқда. Тўйда тўйнинг, уйда уйнинг тўри уники. Меҳр берай деса бағрида фарзандлари, кенгашай деса қатида ёру-дўстлари... Қачон қараманг, Ғулом ака Каримов одамлар орасида— уларга ҳамсоя, ҳамдард, ҳамнафас. Чунки, у одамларсиз, ташвишсиз ўтган кунини умр ҳисобига қўшмайдиганлардан. Қаҳрамонлар аслида шундай бўлишади...

Абдунаби МАННОПОВ,
В. ПАНОВ олган сурат.

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ XI ХАЛҚАРО ТОШКЕНТ КИНОФЕСТИВАЛИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА!

Жаҳонда муносиб ўрни бўлган Ўзбекистон Республикаси ва халқи номидан сизларни — Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Халқаро кинофестивали қатнашчиларини чин дилдан табриклайман.

Мустақил Ўзбекистон заминига хуш келибсиз!

Ҳар бир мамлакат ва ҳар бир миллатнинг буюк вазифаларидан бири—ўз юртининг ажойиб анъаналарини асраб-авайлашдан иборатдир. Неча ўн йиллар муқаддам Тошкентда асос солинган халқаро кинофестиваль ана шундай қутлуғ анъаналардан биридир. Жаҳон халқлари маданияти ва санъатидан баҳраманд бўлиш чин маънодаги саодатдир.

Ўзбекистон илм-маърифат ва санъат даҳоларининг бешигини тебратган ватандир. Ал-Хоразмий, ат-Термизий, Имом Бухорий, Яссавий, Амир Темур, Алишер Навоий ва Бобурларнинг ватани бўлган Ўзбекистон сизга кенг қучоқ очиб турибди. Сиз ҳар қадамда халқимиз меҳр-муҳаббати, санъатга бўлган эҳтиромининг шоҳиди бўласиз, деб ўйлайман.

Бугун Тошкентда очилаётган киноанжуман мустақил Ўзбекистон Республикасининг халқаро алоқаларини янада кенгайтиришига шубҳа йўқ. Биз кино оламининг намояндаларига қучоқ очарканмиз, айни пайтда жаҳон санъати ва маданияти эшиклари бизга ҳам кенг очилаётганини ҳис қиламиз.

Ўзбекистон пойтахти — Тошкент жаҳоннинг буюк қитъаларини бирлаштирган киноанжуманнинг доимий маркази бўлиб қолганидан ҳақли равишда фахрланамиз. Тошкентнинг тинчлик ва дўстлик руҳи абадийдир! Тошкент тинчлик ва дўстликка хизмат қилган буюк ташаббуслар ва анъаналарнинг ватани бўлиб келди ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

Тошкентда навбатдаги XI Халқаро кинофестиваль байроғининг баланд кўтарилиши билан сизларни яна бир бор қутлайман!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри,
1992 йил 8 октябрь.

ТИНЧЛИК, ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЭКРАНИ

Эркин САМАНДАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Халқаро кинофестивали Ташкилот қўмитасининг раиси

Олтмиш саккизинчи йилда улуғ маданиятпарвар раҳматли Шароф Рашидовнинг бевосита қўллаб-қувватлаши, «Оқ йўл»и билан ўз фаолиятини бошлаган қадрдон анжуманимизга яна бир неча ойдан сўнг йигирма беш йил тўлади. Қарийб чорак аср. Бу кичкина муддат эмас. «Тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» деган муқаддас шиорни ўзига байроқ қилиб олган кинофестиваль ана шу даврда жуда катта ишларни амалга оширди. Бу ҳақда жумҳуриятимиз маданият арбобларигина эмас, балки хорижлик машҳур санъаткорларнинг ҳам таърифу-таҳсинларини, эътирофини бот-бот эшитиб турибмиз.

Энг аввало шуни алоҳида мамнуният билан таъкидлаш керакки, кинофестиваль ўзининг олийжаноб мақсади йўлида фаол изланиб, тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун кураш ишига бетакрор ҳисса қўшмоқда.

Тошкент Халқаро кинофестивалининг Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари миллий кинематографиясининг ривожланишига, равнақига қўшаётган ҳиссаси ҳам қимматлидир. Унинг шиорига биноан иш кўришни ўзлари учун шараф деб билган чет эллик кинематографчиларнинг ижодий изланишларида, тематик йўналишларида янгиликлар рўй берди. Айниқса, Лотин Америкаси ва Африка мамлакатларида миллий озодлик, мустақиллик учун олиб борилаётган курашлар хорижлик дўстларимиз фильмларида кенг қамровда акс эта бошлади.

Анжуман шарофати туфайли турли мамлакатларда ижод қилаётган, фаолият кўрсатаётган кинорежиссёрлар ва киностудияларнинг алоқалари янада кучайди. Бугунги кунда уч қитъа кинематографчилари ҳамкорликда яратаётган фильмлар кўпайган экан, бу биринчи навбатда Тошкент кинофестивалининг хизматидир. Шуниси қувончлики, кейинги йилларда кино маданияти оламига дадил кириб келаётган хорижлик иқтидорли ёшлар ҳам Тошкент анжумани тажрибалари ва анъаналарига ҳурмат билан қараб, унга мос картиналар экранлаштириш, ҳамкорликда ишлаш учун интилмоқдалар.

Халқаро анжуман чорак аср давомида тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун кураш мавзуида ўзига хос киносолнома яратди. Бундай ишни бошқа Халқаро кинофестивалларнинг биронтаси амалга оширган эмас, десам муболаға қилмаган бўламан.

Шундай довруғли кинофестивалимиз қутилмаганда собиқ Иттифоқдаги нотинчликлар туфайли тўхтаб қолган эди. Республикамиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг жонкуярлиги туфайли уч қитъа кинокўриги қайта тикланиб, ўз фаолиятини давом эттирянти.

Биз хурсандмизки, орадаги танаффус тўрт йил давом этган бўлса-да, Тошкент Халқаро кинофестивалига бўлган қизиқиш сусайган эмас экан. Таклифномалар юборилгач, кўп ўтмай кинокўрикда қатнашиш истаги изҳор этилган билдирувлар олдик. Кинофестивалга ҳомийлик қилаётган Маданият ва умуминсоний қадриятлар халқ академияси ва анжуман Бош дирекциясининг кечаги кунга қадар бўлган маълумотига қараганда, иштирокчи мамлакатлар сони элликтадан ошиб кетди. Уларнинг киностудияларида экранлаштирилган ва фестиваль танлов комиссияси тавсия этган 15 бадиий фильм санъат кўригининг расмий дастурида намойиш қилинади. Кино байрамида Европа мамлакатларидан, шунингдек, турли Халқаро ташкилотлардан кўплаб меҳмонлар қатнашяптилар.

Ўн биринчи кинофестиваль тарих саҳифаларида айрича зарҳал ҳарфлар билан ёзилиб колажак омадли анжуман! Чунки, бу кинокўрик мустақил Ўзбекистонда ўтмоқда. Бу гал бизга собиқ Иттифоқнинг маркази ёрдамга келган эмас. Тайёргарлик ва фестиваль кунлари сценарийсини ўзимиз ёздик. Фильмларни танлашни ҳам миллий кинематографиямиз намояндалари амалга оширдилар.

XI кинофестивалнинг шиорига янгича: «Ассалому алайкум!». Мазкур сўзнинг маънисини халқимиз яхши билади. Биз бугун аввалги анжуманлар даъватига ҳамоҳанг бу қутлуғ каломни айтар эканмиз, хориждан ташриф буюраётган дўстларимизга олий истагимизни изҳор этамиз, ўзни уларнинг хонадонларига энг аввало тинчлик тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ХЎЖАЛИКЛАР ИХТИЁРИДА ҚОЛДИРИЛАДИГАН ПАХТА ТОЛАСИ, ПИЛЛА, ЖУН ВА ҚОРАҚУЛ ТЕРИ СОТИЛИШИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКА ВА ВИЛОЯТ АССОЦИАЦИЯЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республика ҳукуматининг қарорларига мувофиқ хўжаликларнинг ихтиёрида қолдириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг бир қисмини сотишда уларга амалий ёрдам бериш, колхоз ва совхозларни истеъмолчилар ва маҳсулот сотиладиган бозорни излашдек ўзларига хос бўлмаган вазифадан халос этиш, шунингдек бунда кўпдан-кўп суиистеъмолларга йўл қўймаслик мақсадида:

1. Ўзбекистон Президентининг тегишли фармонларида ва республика ҳукуматининг қарорларида белгиланган ҳажмда хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган пахта толаси, пилла, қоракўл тери ва жун сотилишини таъминлаш билан шуғулланадиган Қорақалпоғистон Республика ва вилоят ассоциацияларини ташкил этиш тўғрисида республика бир қанча хўжаликларининг таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

ассоциация юридик шахс бўлиб, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ ташкил этади;

1-бандда кўрсатилган маҳсулот турларини етиштирувчи колхозлар, совхозлар, деҳқон хўжаликлари ҳамда бошқа корхоналар ва ташкилотлар ихтиёрий ва тенг ҳуқуқли асосда ассоциацияларнинг аъзолари бўлишлари мумкин.

Ассоциация:

хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган пахта толаси, пилла, қоракўл тери ва жун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси аж ратадиган меъёрлар асосида эркин нархларда сотилишини;

мазкур қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспортга етказиб бериш чоғида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигидан лицензиялар олиниши ва ҳужжатлар расмийлаштирилишини таъминлайди.

3. Қуйидагилар ассоциация фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари ҳисобланади:

наф келтирадиган шерикларни излаш, тузилган шартномаларнинг юксак самарадорлигини ҳамда мазкур маҳсулотларни хўжаликларнинг меҳнат жамоалари манфаатларини кўзлаб сотиш мақсадида ички ва ташқи бозорлардаги коньюктурани ва белгиланадиган нархларни ўрганиш;

хўжаликларнинг молиявий ва иқтисодий аҳволини яхшилаш мақсадида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг истеъмолчилари билан ўзаро манфаатли бевосита алоқалар ўрнатишда колхозлар, совхозларга ва деҳқон хўжаликларига тижорат-воситачилик хизмати кўрсатиш.

4. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки, Ўзбекистон Саноат-қурилиш банки, Ўзбекистон Деҳқончилик-саноат банки ҳамда бошқа тижорат банклари ташкил этилаётган ассоциацияларнинг ҳисоблари ўз вақтида очилишини ва сўмда ҳам, валютада ҳам пул маблағлари ҳисобга ўтказилишини таъминласинлар, белгиланган тартибда зарур кредитларни ажратиб берсинлар.

5. Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида Қорақалпоғистон Республика ва вилоят ассоциацияларининг фаолиятини ташкил этишга доир қарор қабул қилсин ҳамда уларнинг намунали тузилмаси ва бир хилдаги уставини тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1992 йил 7 октябрь.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА УЧРАШУВ

7 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ҳузурида АҚШнинг собиқ давлат котиби Генри Киссинжер билан учрашув бўлди. Халқ депутатлари, вазирлик ва идораларнинг, иқтисодиёт тузилмаларнинг раҳбарлари, таниқли олим ва мутахассислар иштирокида ўтган суҳбатда Америка Қўшма Штатлари билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш ҳақида сўз борди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Ш. Йўлдошев, республика Бош вазири А. Муталов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат котиби Р. Ражабов, шунингдек, АҚШнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Г. Л. Кларк ҳозир бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР, ЧЕГАРА ҚЎШИНЛАРИ ВА ИЧКИ ҚЎШИНЛАР САФЛАРИДАН ЗАҲИРАГА БЎШАТИШ ҲАҚИДА ҲАМДА ФУҚАРОЛАРНИ ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРИҚ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат ҳақида» ҳамда «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Қонунларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар Қуролли Кучлар, чегара қўшинлари ва ички қўшинларнинг сафларидан заҳирага бўшатилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1965—1974 йилларда туғилган ва чақириқ кунигача 18 ёшга тўладиган ҳамда чақириқ муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган фуқаролари 1992 йил ноябрь-декабрь ойларида ҳақиқий ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вазирликлар, идоралар, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимиятлари чақириқни уюштириш ва ўтказиш вақтида Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат ҳақида» ҳамда «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Қонунларида белгиланган талаблар қатъий бажарилишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа вазирлиги Ўзбекистон Давлат телевидение ва радиоэшиттириш компанияси, республика, вилоят ва шаҳар газеталарининг ҳамда журналларнинг таҳририятлари билан биргаликда аҳоли ўртасида Ўзбекистоннинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш зарурлиги тўғрисида кенг ташвиқотчилик ва тушунтириш ишлари ўтказилишини, ёшлар ўртасида республика истиқлоли ва мустақиллигининг ишончли кафили бўлиш ҳуқуқи учун ватанпарварлик ва фахрланиш туйғуларини ривожлантиришни таъминласинлар. Шу мақсадда ихтисослаштирилган бригадалар тузилиб, жойларда ташвиқот ишлари ўтказиш учун юборилсин.

5. Ўзбекистон Республикасининг прокуратураси чақирув комиссияларига фуқароларни ҳақиқий ҳарбий ва муқобил хизматга чақиришни ўз вақтида, тўла-тўкис таъминлашда ёрдам берсин. Умумий ҳарбий мажбурият ва Ўзбекистон Республикасининг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш тўғрисидаги қонунларнинг барча ҳокимиятлар, вазирликлар, идоралар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан оғишмай бажарилиши устидан қаттиқ назорат таъминлансин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси ўртоқ Т. А. Алимов зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри.
1992 йил 6 октябрь.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЁЗИЛДИНГИЗМИ?

Обуначига 1 сўм 50 тийин. Сотувда 3 сўм.
● Унинг бир йиллик нархи — 384 сўм, олти ойга — 192 сўм, уч ойга эса — 96 сўм.

Ф СП—1

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» (нашр номи) 64583 (нашр кўрсаткичи)
рўзномасига ОБУНА
обуна сони
1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)
Кимга
(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

64583
п.в. жойи (нашр кўрсаткичи)
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»
(нашр номи)

обуна янги манзилга юбориш	баҳоси	сўм	обуна сони
	баҳоси	сўм	

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)
Кимга
(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР, ЧЕГАРА ҚЎШИНЛАРИ ВА ИЧКИ ҚЎШИНЛАР САФЛАРИДАН ЗАҲИРАГА БЎШАТИШ ҲАҚИДА ҲАМДА ФУҚАРОЛАРНИ ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРИҚ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА

ШАРҲ

Оммавий ахборот воситаларида хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши 1992 йил июлида бўлиб ўтган ўнинчи сессиясида ҳарбий қонунлар мажмуини қабул қилган эди. Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат ҳақида»ги, шунингдек «Муқобил хизмат тўғрисида»ги қонунлари шу жумлага киради.

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси мазкур қонунларга амал қилиб қабул этган қарорга биноан ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни заҳирага бўшатиш ва 1992 йил ноябрь-декабрь ойларида хизмат муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларни ҳақиқий ҳарбий ва муқобил хизматга чақириш кўзда тутилган.

Ушбу қарорда Ўзбекистонда, шунингдек, унинг ташқарисида кейинги вақтларда рўй берган ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзгариши эътиборга олинган.

Хўш, нималар назарда тутилади?

Биринчидан, Ўзбекистон тўла мустақилликни қўлга киритиши натижасида ўз Қуролли Кучларини вужудга келтирди. Бу Қуролли Кучлар республиканинг давлат истиқлолини, ҳудудий яхлитлигини, унинг манфаатларини ва аҳолининг тинч турмуши муҳофаза қилинишини таъминлаши лозим. Бунинг маъноси шуки, Ўзбекистон фуқаролари фақат ўз республикасида ва унинг манфаатлари йўлида хизмат қиладилар.

Йигитларни муддатли хизматга чақиришга оид барча масалалар билан аввалгидек, ҳар бир туман, шаҳар, вилоятда ва Қорақалпоғистон Республикасида тузиладиган чақириқ комиссиялари шуғулланадилар, мазкур комиссияларга тегишли ҳокимнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистонда эса Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари бошчилик қилиши лозим. Бу комиссияларнинг вазифалари ва ҳуқуқлари доираси «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддасида белгиланган. Яъни хизматга чақириш, хизматдан озод қилиш, хизматга чақириш муддатини узайтириш, ҳарбий ёки муқобил хизматга юбориш билан боғлиқ бўлган ҳамма масалалар чақириқ комиссиялари томонидан кўриб чиқилади ва уларнинг қарорлари узил-кесил ҳисобланади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чақириқ комиссияларининг қарорлари хусусида давлат бошқарув идоралари ва мансабдор шахсларнинг фуқаролар ҳуқуқларини камситувчи ноҳақ хатти-ҳаракатлари устидан белгиланган тартибда халқ судига шикоят қилиш мумкин.

Гап шундаки, чақириқ комиссияларининг ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириш муддатларини кечиктириш ва ундан озод қилиш борасидаги ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни 15-моддасининг 5-бандида, 17 ва 18-моддаларида батафсил тасвирлаб берилган. Бундан ташқари мазкур моддаларда армияга барча чақирилувчилар, шу жумладан, вақтинчалик ҳисобда турганлар ҳам, худди шунингдек, ҳарбий хизматни ўтамаган ва ҳарбий ҳисобда бўлмаган чақириқ ёшидаги фуқаролар ҳам чақириқ қоғозида белгиланган жойга муддатида етиб боришга мажбур эканликлари ҳам кўрсатилган. Бу талаб доимий истиқомат жойидан бошқа жойга кетган ва у ерда ҳарбий ҳисобга ўтмаган чақирилувчиларга ҳам тааллуқлидир. Улар истиқомат жойидаги мудофаа ишлари идораларига (собиқ ҳарбий комиссариатларга) боришлари лозим.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунида (23-модда) чақириқ юзасидан хизматни ўтаётган аскарлар, сержантлар ва старшиналар учун ҳарбий хизмат муддати календарь ҳисобида 18 ой қилиб, олий маълумотли шахслар учун эса 12 ой қилиб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 3 июлдаги қарорида мазкур хизмат муддатлари ушбу Қонун қабул этилишидан аввал Ўзбекистон Республикасидан чақирилган муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларга ҳам жорий этилган.

Шу муносабат билан 1992 йилнинг кузида икки чақириқ — 1990 йил кузги ва 1991 йил кўкламги чақириқ ҳарбий хизматчилари бўшатилиши лозим, яъни шахсий таркибнинг кўп миқдордаги энг яхши тайёргарлик кўрган қисми қўшинлар сафидан кетади. Бу эса барча даражалардаги чақириқ комиссияларининг зиммасига минтақада ва унинг ташқарисида вужудга келаётган ижтимоий-сиёсий вазиятда республика манфаатлари посбонлигида турган қисмлар ва қўшилмаларнинг жанговар шайлигини таъминлай оладиган миқдорда ёш аскарлар чақириш вазифасини юклайди.

Учинчидан, кўрилаётган чораларга қарамай, ҳар қанча эҳтиёт қилинса ҳам, турли касалликларга чалинган йигитлар армияга тушиб қолаётганлиги сир эмас. Бунга йўл қўймаслик учун «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасида эса бундай дейилади: «Ўзбекистон Республикасини, унинг ҳудудий яхлитлигини, мустақиллигини ҳимоя қилиш республика фуқароларининг конституциявий бурчидир».

Вазирлар Маҳкамасининг қарорида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги олдига Ўзбекистон Давлат телевидение ва радиоэшиттириш компанияси, республика, вилоят, шаҳар газеталарининг ва журналларнинг таҳририятлари билан биргаликда аҳоли ўртасида Қуролли Кучларнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, ёшлар ўртасида Ўзбекистон суверенитети ва мустақиллигининг ишончли кафили бўлиш ҳуқуқи учун ватанпарварлик ва фахрланиш туйғуларини ривожлантириш зарурлиги тўғрисида кенг миқёсда ташвиқот ва тушунтириш ишларини ўтказишни таъминлаш вазифаси қўйилган. Ихтисослаштирилган бригадалар тузиб, уларни ташвиқотчилик иши ўтказиш учун жойларга юбориш тавсия этилган.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

• *ХДП ҳаётидан: партия билетлари топширилди*

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг тузилганига энди бир йил бўляпти. Шу даврда партия ташкилотлари ташкилий жиҳатдан шаклланди ва амалий ишга фаол киришиб кетдилар. Уларнинг сафлари ўсиб, мустаҳкамланди. Буни Ульянов райони мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Энг муҳими, партия ташкилотлари парламент типидаги партия бўғинлари сифатида жиддий сиёсий кўрикдан муваффақиятли ўтди. Айни пайтда райондаги маҳаллий кенгашлар депутатларининг 70 фоизи ХДП аъзолари эканлиги ҳам бунинг исботидир.

ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАСМИЗ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг янги билетига Чўлпоннинг «Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!» деган даъватқор сўзлари зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Бу — партия халқ билан доимо ҳамнафаслигининг равшан ифодасидир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси парламент типидаги партия бўлганлиги учун унинг сиёсий йўли, дастурий режалари халқ депутатлари орқали амалга оширилади.

Шунга мувофиқ район партия кенгаши депутатлик гуруҳларини тузиш ва маҳаллий кенгашлардаги ХДП аъзоларининг фаолиятини мувофиқлаштиришга эътиборни кучайтирмоқда. Район кенгаши ҳузуридаги иккита қишлоқ кенгаши қошида 9 та депутатлик гуруҳи тузилди.

Асосий эътибор депутатлар ҳисобидан партия сафини ўстиришга қаратилди. Натижада партия гуруҳлари ташкил этилгандан бўён район кенгаши депутатлари орасида партия аъзолари 49 кишидан 56 кишига, қишлоқ кенгашларида эса 137 кишидан 164 кишига етди. Партиянинг сиёсий йўлини амалга оширишда Янгиҳаёт, Қамаши, Катаган, Муглон қишлоқ кенгашлари ҳузуридаги партия гуруҳлари фаол иш олиб бормоқдалар.

Партия ташкилотлари эндиликда маҳаллий кенгашларга депутатликка номзодлар кўрсатишда ташаббусни қўлга оляптилар. Ўтган даврда ўрни бўшаб қолган 6 район кенгаши халқ депутатлигига ХДП аъзоларидан беш нафари номзод қилиб кўрсатилди. Уларни халқ қўллаб-қувватлаб, депутатликка сайладилар.

Районимизда кадрлар сиёсати мураккаб масала бўлиб қолмоқда. Кадрлар сиёсатига аралашмаган партия эса фақат мулоқот клубига айланиб қолади. Шу боисдан истиқболли ва иқтидорли кадрлар раҳбарлик лавозимларига партия ташкилоти томонидан тавсия этилмоқда. Район партия кенгаши номенклатурасидаги 43 кадрдан 11 киши алмаштирилди. Уларнинг ҳаммаси ижроия бюро тасдиғидан ўтдилар.

Район бошланғич ва ҳудудий ишлаб чиқариш цех партия ташкилотларининг ҳамда ХДП аъзоси бўлган халқ депутатларининг ўқув семинарлари ҳар кварталда бир марта мунтазам ўтказиб борилмоқда.

Вилоят партия кенгашининг ташаббуси билан йил бошида районимизда ўтказилган «Вилоят партия кенгаши куни» ижобий самаралар берди. Район партия кенгаши ҳам ҳар ойда бир марта битта бошланғич партия ташкилотида «Район партия кенгаши куни» ўтказмоқда. Шу куни партия ташкилотига амалий ёрдам берилади, партия аъзолари ва меҳнаткашлар билан суҳбатлар ўтказилади, уларни қизиқтирган саволларга жавоб берилади. Ҳозиргача райондаги «Пахтакор», «Қашқадарё», «Ғалаба», Шароф Рашидов номли ва Темур Малик номли давлат хўжаликлари партия ташкилотларида «Район партия кенгаши куни» муваффақиятли ўтди.

Кейинги уч ойда 33 киши партия сафига қабул қилинди. Ўз тақдирини партия билан боғлаганларнинг 246 нафари ёки 51 фоизи 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Партия сафларини мустаҳкамлаш ва аҳоли ўртасида унинг нуфузини оширишда кўпгина давлат хўжаликлари партия ташкилотлари фаолияти диққатга сазовор.

Партия аъзоларига янги билетларни топшириш ва тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш партия ходимлари учун жиддий имтиҳон бўлди.

Районда билетларни топшириш август ойининг бошида тантанали суратда бошланди. Унда вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Ф. Омонов, вилоят касаба уюшмаси кенгаши раиси, вилоят партия кенгаши ижроия бюроси аъзоси Э. Ражабов ва район ҳокими Н. Сариковлар иштирок этдилар.

«Қашқадарё» давлат хўжалигида эса район партия кенгашининг кўчма бюроси ташкил этилиб, унда билетлар топширилди.

Шу даврда кўплаб ёшлар партия сафига кириш истагини билдирдилар. 27 киши ХДП аъзолигига қабул қилинди.

«Москва» давлат хўжалигида мустақиллик кунига бағишлаб ўтказилган «Ягона сиёсий кун»да партия билетлари топширилди. Пахта тозалаш заводида бу тадбир Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик байрами — 1 сентябрь куни ўтказилди. Бу эса одамларнинг байрам кайфиятига янада кўтаринкилик бағишлади.

Кекса, ногирон ва бетоб кишиларга партия ҳужжатларини алоҳида комиссия аъзолари уларнинг уйларига бориб топширдилар.

Партия билетларини топшириш тантаналарида фахрийлар, ёшлар, ишлаб чиқариш илғорлари ўзларининг дил сўзларини изҳор этдилар. Партиямиз Раиси Ислом Каримовнинг республикада амалга ошираётган улкан ишлари, республикамизни жаҳонга танитаётгани, унинг обрўсига-обрў қўшиш борасидаги беқиёс хизматлари ҳақида миннатдорчилик туйғуларини изҳор этдилар.

Шу кунларда районимизда ҳамманинг фикри-зикри ҳаётимизнинг Асосий Қонуни — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасига қаратилган. Ҳозиргача 12 та бошланғич партия ташкилотининг кенгайтирилган йиғилишида Конституция лойиҳаси муҳокама қилинди. Йиғилишларда 1200 ХДП аъзоси, 800 партиясиз иштирок этди. Улар лойиҳага 22 та ўзгартириш ва қўшимчалар таклиф этишди.

Биз ҳамиша халқ билан ҳамнафасмиз. Айнан мана шу нарса районда ХДП аъзоларининг обрўсига-обрў қўшмоқда. Район партия кенгашининг нуфузи ошишига ёрдам бермоқда.

А. ЖАББОРОВ,
Халқ демократик партияси Ульянов район кенгашининг биринчи котиби.

СУРАТДА: партия билетларини қабул қилиш пайти.

КОНВЕЙЕРДА ТОШКЕНТ ТЕЛЕВИЗОРЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ ҚЎШМА КОРХОНАСИ МАСОФАДАН ТУРИБ БОШҚАРИЛАДИГАН РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОРЛАРНИНГ ДАСТЛАБКИ ТУРКУМИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРА БОШЛАДИ

• *Қўлни беринг, жаҳондаги шериклар!*

Эсингизда бўлса ушбу қўшма корхонанинг тез орада ишга туширилиши ҳақида илгари ҳам («Ўзбекистон овози», 7 январь, 1992 йил) муштарийларни хабардор қилгандик. Мана, шундан кейин кўп вақт ўтмасдан пойтахтимиздаги «Зенит» заводи қошида «Тошкент» номи билан аталувчи корхона иш бошлади.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви бундай корхоналарнинг жумҳуриятимиз ҳудудида кўпайишига туртки берди. Хорижий фирмалар биздаги барқарор вазият, ишбилармонлар учун кенг имкониятлар очилаётганини сезиб, хом ашё ва ишчи кучига бой ўлкамизга ҳамкорлик қилиш ниятида бот-бот ташриф буюрадиган бўлишди. Бунда ўтган йили Республикамиз Президенти И. Каримов ташаббуси билан ўтказилган Тошкент ишбилармонлари учрашуви ҳам ўзига хос аҳамият касб этди. Айнан шу даврда ўзбек ишбилармонлари хитойлик фирма вакиллари билан ўзаро алоқа ўрнатиш тадбирларини белгилашди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги концерни раиси А. Юсупов бошлиқ ишбилармонлар гуруҳи Шинжонг Уйғур Мухтор районидаги 1-радио заводида бўлиб, қўшма корхона очиш ҳақида батафсил келишиб олдилар. Шундан сўнг 1991 йилнинг декабрь ойида Тошкентда хитойлик ишбилармонлар билан ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги шартномага имзо чекилди.

— Шу йилнинг май ойида эса биринчи линияга тегишли ускуналар Хитойдан келтирилди, — дейди корхона бош директори Ш. Бобомуҳамедов. — Кейинроқ шерикларимиздан бошқа зарур деталлар, эҳтиёт қисмларни ҳам олдик. Июнь ойида Хитойдан 12 нафар мутахассислар келиб, ускуналарни ўрнатиб беришди. Хуллас, хориждан келтирилган деталь ва эҳтиёт қисмлар эвазига «СКД» тизимли рангли телевизорларни йиғиш йўлга қўйилди. Корхона аҳли уни севиб «Зафар» деб номлади.

Мутахассислар фикрича мазкур телевизорлар жаҳон стандартларига тўлиқ мос келиб, сифати ва дизайни бўйича Ҳамдўстлик мамлакатларида чиқарилаётган телевизорлардан бутунлай фарқ қилади. Дейлик, унинг ташқи кўриниши кубик шаклида бўлиб, ёғоч ўрнига пластмассадан фойдаланилган. Асосий деталь — кинескопнинг 25 йилгача кафолатли ишлаши таъминланган.

Бугунга келиб қўшма корхонада кунига 200 дона шундай телевизор ишлаб чиқариляпти. Тайёр маҳсулот кетма-кет истеъмолчиларга жўнатиляпти. Нархи бироз қиммат бўлсада бундай телевизорларни харид қилишни истаётганлар кўп. Ҳозирнинг ўзидаёқ Тошкент телевизорларининг довруғини эшитган Болтиқ бўйи мамлакатлари, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон республикаларидаги «ойнаи жаҳон» мухлислари буюртма билан қўшма корхонага мурожаат қилишяпти. Ҳатто маҳсулот алмашиш йўли билан телевизор олишни хоҳлаётганлар ҳам бор. Бироқ қўшма корхона жамоаси маҳсулотни четга сотишга шошилгани йўқ. Аввало, жумҳурият бозорини ушбу тақчил маҳсулот билан тўлдириш, кейин эса бозор талабига кўра хорижга сотиш мўлжалланмоқда.

Айни шу мақсадда куни кеча қўшма корхона бош директори Ш. Бобомуҳамедов Хитойнинг Урумчи шаҳрига жўнаб кетди. Бу ерда у ўзаро ҳамкорликни бундан кейин ҳам ривожлантириш имкониятларини ўрганиш билан бирга Урумчи халқаро маҳсулотлар ярмаркасида қатнашади. Келгусида ушбу ярмаркада тошкентлик ишбилармонлар жаҳон андозасига мос маҳсулотлари билан иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлишади.

Эндиликда қўшма корхонада худди шу йўналишда иш олиб бориляпти. Ўзбек мутахассислари замонавий мураккаб ускуналарни чуқурроқ ўрганиш, зарур бўлса технологик жараёнларга ўзгартиришлар киритиб, маҳсулот сифатини янада яхшилаш устида бош қотиришяпти. Албатта, бу ишда хитойлик дўстларимиз ҳам четда қараб туришгани йўқ. Улар тўплаган бой тажрибаларини ўргатишяпти, кези келганда эса бизнинг мутахассислардан ҳам ўрганишмоқда.

Ҳозир корхонада телевизорларнинг айрим деталларини, эҳтиёт қисмларни ўзимизда тайёрлаш ёки Ҳамдўстлик давлатларидан олиш кўзда тутиляпти. Зотан, барча деталлар, бутловчи буюмларни Япония, Жанубий Корея, Тайван сингари мамлакатлар фирмаларидан келтириш корхонага қимматга тушяпти. Бу ўз навбатида телевизорларнинг харид нархларига ҳам таъсир этмоқда. Дейлик, битта телевизорнинг ўртача баҳоси 32 минг сўмга тўғри келяпти. Шу боис ҳам, мутахассислар бутловчи деталларнинг бир қисмини ўзимизда тайёрлаш имкониятларини қидиришмоқда.

— Ўзбек ишбилармонлари билан ҳамкорлик қилаётганимиздан мамнунмиз, — дейди қўшма корхона бош директори ўринбосари Сюй Баошэн. — Биз, хитойликлар учун бу ерда барча шароитлар яратилган. Эндиликда мутахассисларимиз электроника саноатининг бошқа соҳаларида ҳам алоқаларни ривожлантириш тарафдори бўлиб чиқишяпти.

Дарҳақиқат, қўшма корхонанинг истиқболи порлоқ. Буни тез орада истеъмол бозори учун керак бўладиган бошқа электроника буюмлари ишлаб чиқариш учун саъй-ҳаракатлар бошланганидан ҳам билса бўлади. Айни пайтда корхонанинг иккинчи навбатини ишга тушириш чоралари кўриляпти. Хитойдан иккинчи линия бутловчи ускуналари келтирилиб ўрнатилгач, тақчил маҳсулот тайёрлаш ҳажми икки баравар ошади. Корхона бир йилда қарийб 50 минг дона «ойнаи жаҳон» ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлади. Ушанда «Зафар» ёрлиғи босилган рангли телевизорлар жумҳурият халқининг ҳар бир хонадонига кириб борса ажабмас.

А. БОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



СУРАТДА: корхона бош директорининг ўринбосари Сюй Баошэн (ўнгдан иккинчи) мутахассислар билан ва янги телевизор намунаси.

М. БОЛТАБОЕВ олган суратлар.

„АССАЛОМУ АЛАЙКУМ“ —

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ БУГУН ТОШКЕНТДА ОЧИЛАДИГАН XI ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИ ШИОРИ АНА ШУНДАЙ

ФЕСТИВАЛНОМА ИЖОДКОРЛАРИ

Бир ойдан ошдики, жумҳуриятимиз рўзномалари ва ойномаларининг журналистлари, радио ва телевидение ходимлари «Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Халқаро кинофестивали олдидан» деган рукн остида уч қитъа санъат байрамига кўрилаётган тайёргарлик ишларини фаоллик билан ёритиб келяптилар.

Куни кеча Узбекистон Давлат кинокомпанияси, жумҳурият Кинематографчилар уюшмаси, кинофестиваль Бош дирекцияси уларни Тошкентдаги Киночилар уйига таклиф қилди. Бу ерда Халқаро кинокўрикка бағишланган матбуот конференцияси ўтказилди.

Конференцияни кинофестиваль матбуот марказининг бошлиғи А. Жўрабоев очди. Кинокомпания раиси, фестиваль Бош директори Х. Жўраев энг сўнгги тайёргарликлар, янгиликлар, анжуман иштирокчилари ва бўлажак дастури ҳақида гапириб берди.

Учрашувда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

СУРАТЛАРДА: матбуот конференциясидан лавҳалар.

Р. ШАРИПОВ (ЎзА) олган суратлар.

КИНОЮЛДУЗЛАР ДАВРАСИ

● «Маданият байрами», «Санъат кўриги», «Уч қитъа кўзгуси», «Дўстлик кўприги»... Булар Тошкент Халқаро кинофестивалига берилган таърифлардир. Анжуманнинг яна бир таърифи бор: «Киноюлдузлар давраси».

Ҳа, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг анъанавий кинофестивали пайтида Тошкентга кўплаб санъат усталари — актёр-актрисалар ташриф буюришади. Улар ўз мамлакатлари киностудияларида экранлаштирилган бадиий фильмларда бетакрор образлар яратиб, тилга тушган, ҳақиқий кино юлдузи деган эътирофга сазовор бўлган артистлардир. Бу ижодкорларнинг аксарияти Тошкент кинофестивалларида фаол иштирок этади.

Масалан, Капурлар оиласи, Шабона Азми, Сими Гаревал (Ҳиндистон), Фотима Гирик (Туркия), Зебо Али, Сабиҳа Ризо (Покистон), Алисия Энсина, Сусанна Досаментес (Мексика), Тиэко Байсиё (Япония), Магда Миср), Моду Сен, Тереза Диоп (Сенегал), Сучандра Райҳон (Бангладеш) каби санъат юлдузлари Тошкент кинофестивали экранида, учрашувларида янада ярқираб кўринган. Уларнинг дил сўзини тингласангиз, «Бизнинг жаҳонга машҳур бўлишимизда Тошкент анжумани катта роль ўйнади», деган қалб сўзларини эшитасиз.



Сиз суратларда кўраётган актёр ва актрисалар уч қитъа кинокўригининг аввалгиларида фаол қатнашган ижодкорлардир. Баъзиларини сиз яхши танийсиз ва биласиз. Биринчи суратдаги Бабитта (Бангладеш) ана шундай юлдузлардан. 2. Шимолий Кореялик актриса О Миран. 3. Ҳинд киночиларидан бир гуруҳи. 4. Мўғулистонлик артист Ладойдамба Насанбаяр (ўртада) Буркина Фасолик ҳамкасблари Каборе Маурико, Анжела Манелар билан.

Суратлар мухбиримиз В. МОЛГАЧЕВ бисотидан олинган.

НЕЧАНЧИ ЎРИНДАСИЗ?

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 7 ОКТЯБРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — вилоятлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан бери

Фарғона	2,38	41,18
Бухоро	1,10	33,94
Андижон	3,19	29,47
Хоразм	1,26	26,74
Сурхондарё	2,13	25,48
Наманган	3,01	20,79
Қашқадарё	2,14	16,71
Қорақалпоғистон Республикаси	1,21	13,42
Навоий	0,77	13,06
Тошкент	0,89	8,19
Самарқанд	0,74	3,29
Сирдарё	0,58	3,22
Жиззах	0,35	1,91
Республика бўйича	1,60	19,22
1991 йилдагиси	3,80	58,60

ҒАЛЛАКОРЛАР МАШВАРАТИ

Маълумки, кейинги йилларда мустақил Ўзбекистонимиз аҳолисини нон, ун маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш учун бирмунча ишлар қилиняпти. Ҳозирча маҳсулотнинг асосий қисми четдан келтирилаётир. Ўзимизда етиштирилаётган маҳсулот эҳтиёжнинг учдан бир қисмини қоплаяпти, холос.

Лекин республикамизда дончиликни ривожлантириш учун имкониятлар бор. Бунинг учун ҳосилдорликни тобора ошириб бориш зарур. Бу борада етарли тажрибалар ҳам мавжуд.

Суғориладиган майдонлардан 40—50, ҳатто 60 центнердан ҳосил олаётган хўжаликлар, ижарачилар кўпайиб бормоқда. Шу боис бу йил республикамиз бўйича йиллик режа ортиғи билан бажарилди. Давлатга ярим миллион тоннадан зиёд дон сотилди. Эндиликда эл дастурхонига кўплаб сара дон етказиб бериш масаласи кўндаланг бўлиб турибди.

Яқинда Ғаллаорол районидаги «Ғаллаорол» давлат хўжалигида бўлиб ўтган машварат — семинар-кенгашда худди шу масалалар кўтарилди. Турли муаммолар ўртага ташланиб, уларни ҳал этиш йўллари белгиланди. Семинар-кенгашни очган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари Жумабой Қўчқоров, республика «Ғалла» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Қурбон Эшмирзаев, «Ғаллаорол» давлат хўжалиги директори Қувондиқ Бердиёров ва бошқа сўзга чиққан нотиқлар кузги дон экиш мавсумини муваффақиятли ўтказиш, бунинг учун хўжаликларни сифатли уруғлик билан таъминлашни тезлаштириш кераклигини таъкидлаб ўтишди. Айниқса, республикамиз шароитига мос ўрим техникасини ўзимизда яратиб, ишлаб чиқариш масаласи кескин қилиб қўйилди.

Семинар-кенгаш ҳар томонлама фойдали бўлди. Ғаллакорлар бир-бирлари билан фикр олишиб, тажрибаларини баҳам кўришди.

Ш. МИРҲАБИБОВ.

ИСТИҚЛОЛ УФҚЛАРИ САРИ

● Узбекистон Республикаси ўз давлат мустақиллигининг бир йиллигини нишонлаганига бир ой бўлди. Аммо унинг халқаро миқёсда юритаётган дадил сиёсати дунёдаги кўпгина мамлакатлар эътиборини ўзига жалб қилмоқда. Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг қардош Тожикистондаги аҳволга оид ҳамда қўшни Афғонистон билан давлатлараро муносабатлар бўйича жаҳон афкор оммасига маълум қилган ташаббуслари Узбекистоннинг нафақат Ўрта Осиё минтақасида, балки Осиё қитъасида кўзга кўринган давлат сифатида шаклланиб бораётгани тўғрисидаги фикрлар тўғри эканини тасдиқлайди.

Шу боис Узбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги раҳбарияти олиб бораётган ишлар янада муракаблашди, шарафли вазифаларни адо этиш қамрови кенгайиб бормоқда. Республика Президенти топшириғига кўра ташқи ишлар вазири У. Абдураззоқов Туркиянинг Истамбул шаҳрида бўлиб ўтган Европа кенгаши йиғилишида иштирок этиб қайтди. Сўнгра олий раҳбарият кўрсатмасига биноан Эрон Ислом Теҳронда бўлиб, Жумҳуриятининг турли даражадаги раҳбарлари билан учрашди ва давлатлараро муносабатлар тўғрисида музокаралар олиб борди. Дарҳақиқат, Узбекистон Республикаси ҳукумати раҳбарияти қўшни давлатлар билан ўзаро муносабатларни халқаро ҳуқуқ ва жаҳон эътироф этган синашта меъёрлар асосида тарнашта меъёрлар асосида тиббга солиш ва минтақада пайдо бўлган кескин вазиятларнинг олдини олиш мақсадида кенгашиб иш олиб бориш режасини олдинга сурган республика Президенти ташаббусларини амалга оширишда жиддий фаолият олиб бормоқда.

Зеро, Президент И. Каримовни Тожикистон бўйича БМТ Бош котиби Бутрос Гали жаноби олийларига мурожаати тез орада ўз жавобини олиб, Бош котибнинг махсус вакиллари Раймонд Соммерейнс ва В. И. Горячевларнинг Узбекистонга келиши, сўнг Узбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги воситасида Тожикистонга сафари минтақадаги мавжуд аҳвол билан яқиндан танишишлари учун имконият яратди.

Ўрта Осиё минтақасида осойишталикни барқарор этишга кўмаклашиш, бу ерда яшаётган халқлар тақдири ҳақида қайғуриш республика раҳбариятининг кундалик фаолиятига айлангани ҳам Узбекистон халқаро миқёсда ва, айниқса, минтақада тинчликни таъминлаш борасида муҳим роль ўйнаётганлигини алоҳида кўрсатиб турибди. Бу хусусда Узбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси Президентларининг журналистлар билан суҳбат чоғида Ислом Каримов таъкидлаб ўтганларидек, Ўрта Осиё халқлари азим дарахтнинг шохлари бўлиб, улардан биортасини қайириш учун ҳеч кимга ҳеч қандай ҳуқуқ берилмайди. Бу ҳудуд бузилмас бўлиб, БМТга тенг ҳуқуқли аъзо бўлган бир неча давлатнинг майдонидир.

Ҳозир Узбекистон Республикаси мустақиллигини дунёнинг 120 дан зиёд мамлакатлари эътироф этди, 55 мамлакат билан элчихоналар даражасида дипломатик муносабатлар, ўрнатилган. Ҳозир Узбекистонда 25 хорижий давлат ваколатхонаси рўйхатдан ўтди. Шулардан 14 таси Тошкент шаҳрида доимий қароргоҳига эга бўлди.

Узбекистон Республикаси ҳозирги кунда БМТ, Европа Хавфсизлиги ва ҳамкорлиги, Халқаро меҳнат ташкилоти, Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Қўшилмаслик ҳаракати, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банки, Европа таъмирлаш ва тараққиёт банки, Осиё ва Тинч океани мамлакатлари иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (ЭСКАТО) ва бошқа нуфузли ташкилотларнинг аъзосидир.

БМТ ва унинг тараққиёт дастури Узбекистонда ўз ваколатхоналарини очиш арафасида.

1 октябрь куни республика раҳбарияти топширигига биноан Узбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. Абдураззоқов БМТ Бош Ассамблеяси 47-сессияси йиғилишида иштирок этиш учун Нью-Йоркка жўнаб кетди.

Мустақил Узбекистон байроғи саккиз ойдан буён Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биносида қилпираб турибди.

Узбекистон Республикаси мустақиллик йўлида кенг уфқлар томон интиларкан, бу маслакда республиканинг кўплаб вазирликлари ва идоралари дадил одимлар билан хорижий ҳамкорлар маҳоратига ошно бўлиш, уларнинг тажрибасини ўрганиш ва тенглик асосида битимлар тузиш мақсадида чет мамлакатларига сафар қилмоқдалар. Шу йил сентябрь ойида 895 нафар турли лавозимдаги масъул кишилар жаҳоннинг 47 мамлакатига ташриф буюрди. Бу мамлакатлар орасида ўз иқтисодиёти равнақи билан ном чиқарган Япония, Германия, АҚШ, Голландия, Финляндия, Бельгия, Швеция, Буюк Британия, Сингапур ва бошқа давлатлар бор. Айни кезда Узбекистон Республикасига турли даражадаги ҳайъатлар АҚШ, Миср Араб Республикаси, Саудия Арабистони, ГФР, Ҳиндистон, Финляндия, Лаос ва БМТ, ЮНЕСКО, халқаро таъмир ва тараққиёт банки каби халқаро ташкилотларнинг вакиллари келиб, Узбекистоннинг табиий бойликлари билан танишмоқда, юртимиздаги барқарор вазиятдан мамнун ҳолда республика раҳбариятига мустақиллик йўлида омадлар тилаяпти.

Республикамиз ҳаётини оммавий ахборот воситаларида тўла ёритиш учун Ташқи ишлар вазирлигида хорижий давлатлар, жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг вакилларини рўйхатдан ўтказиш давом этмоқда. Ҳозирга қадар «Либерасьон» (Франция), «Заман» (Туркия), «Ньюс Уик» (АҚШ), «Би-би-си» (Буюк Британия), «Рейтер», «Интерфакс», «Торговая газета», «Рабочая трибуна», «Правда», «Труд», «Красная звезда», «Экономика и жизнь» ва бошқа рўзнома ва журналлар, ахборот маҳкамалари ва радио, телекомпаниялар вакиллари рухсатномаларга эга бўлдилар.

Сентябрь ойида Узбекистон Республикаси Президенти бошчилигидаги Узбекистон ҳукумати делегациясининг Австрияга расмий ташрифи, Қирғизистон Республикаси Президенти А. Акаев раҳбарлигидаги Қирғизистон ҳайъатининг Узбекистонда бўлиши ва Европа қитъасидан дастлабки давлат — Финляндия Республикаси Президенти бошчилигидаги олий даражадаги делегациянинг Узбекистонга келиши ва улар билан олиб борилган музокаралар натижасида имзоланган икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамда сармоя қўйиш хусусидаги шартнома ва битимлар ҳар бир иштирокчи давлат, жумладан, Узбекистон иқтисодиёти ривожига ўз улушини қўшиши табиий.

Узбекистон Республикаси ўзи танлаган демократик тараққиёт йўлидан борар экан, республика Президенти И. Каримов таъкидлаганидек, МДҲ мамлакатлари тепасидан устиворлик қиладиган иттифоқ, федерация, конфедерация каби қурилмалар бўлишини батамом иккор қилади. Нуфузли халқаро ташкилот — БМТнинг аъзоси сифатида халқ фаровонлигини кўзлаб иш олиб бораверади.

Узбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги матбуот котибияти.

● Президент Фармони — юрт дармони

МИЛЛИОНЛАР ЧЕГАРА ЭМАС

● Боғот районидаги Искандар Дўсов (собиқ Нариманов) номли жамоа хўжалиги аъзолари харид нархлари ошгани муносабати билан бу йил биргина пахтачиликнинг ўзидан 65 миллион 300 минг сўм даромад олишади!

Бултур, яъни эски харид нархи ҳисобида бу рақам 10 миллион сўмнигина ташкил этган эди. Президентнинг пахта харид нархини ошириш ҳақидаги Фармони хўжаликка қандай наф келтириши бирма-бир шарҳлаб берилганида Бешариқ қишлоғида яшовчиларнинг қувончи ичига сиғмай кетди.

Кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, жамоа мутахассислари назарда тутган даромад ҳали қатъий чегара эмас. Бу рақам амалдаги йилда 1350 гектар майдондан йиғиб-териб олинадиган 4.000 тонналик пахта ҳосилининг сўмларда ифодаланадиган қиймати. Аммо бешариқлик заршунослар мустақиллигимизнинг бир йиллиги нишонланган мавсумда 4.000 тонналик эмас, балки ундан анча кўп — камида 4800—5000 тонналик хирмон барпо этишга қарор қилишган. Пайкаллардаги ҳосил чўғи бу йил хўжаликда 5 минг тонналик хирмон яратилиши муқаррарлигидан далолат бериб турибди. Демак, колхоз оладиган даромад кўзда тутилганидан 10—15 миллион сўм кўп бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

„Пиллакорларнинг-ку омади кулиб боқди. Улар бу йил 40 тонна ўрнига 55 тонна «кумуш тола» тайёрлашди. Колхоз ана шу ҳосил эвазига эски нарх бўйича бор-йўғи бир миллион сўм атрофида даромад олиши мумкин эди. Аммо пилла харид нархининг оширилгани катта даромад манбаи бўлди. Хўжалик тармоқдан хазинага роппа-роса 9 миллион сўм даромад киритмоқда. Қисқа, лекин сермашаққат мавсумда пиллакор Пошша Раҳимова 1,5 қути ипак қурти асраб, 140 килограмм «кумуш тола» етиштирди, эвазига 6421, Оллоёр Матназаров хонадони эса биру чорак қути ипак қурти асраб 121 килограмм аъло навли ҳосил тайёрлашга ва 6426 сўм иш ҳақи олишга муваффақ бўлишди.

Хўжалик давлатга гўшт, сут, тухум сотишдан 8 миллион 827 минг сўм, мева ва узумчиликдан камида 750 минг сўм даромад олади. Колхознинг 70 хилдан зиёд маҳсулот тайёрлаб чиқарадиган 23 та ёрдамчи корхонаси бўлиб, улар жамоа газнасига қўшадиган ҳисса ҳам оз эмас — 14 миллион 616 минг сўм бўлади! Демак, колхознинг бу йилги жами пул даромади режа бўйича тайёрланадиган маҳсулотларни сотишнинг ўзидан 150 миллион сўмдан, соф фойда миқдори эса 15 миллион сўмдан ошиб кетади.

Аммо, «150 миллион» деган умумий рақам ҳам бешариқликлар учун ошиб ўтиш амри маҳол бўлган чўққи эмас.

Президентнинг махсус Фармонига мувофиқ колхоз қўшимча фойдадан олинадиган солиқдан озод қилиниши муносабати билан қанчалик даромад соҳиби бўлишини ҳам бир тасаввур қилиб кўринг-а: 15 миллион 575 минг сўм! Эндиликда ана шу маблағ жамоа хазинасида қоладди ва хўжалик аъзоларининг меҳнат ҳақига тақсимлаб берилади. Буларнинг ҳаммаси пировард натижада дала ва фермалар, ёрдамчи корхоналар меҳнатчиларининг иш ҳақи миқдорини кўпайтиришга, манфаатдорлигини, хонадонларининг фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Айни пайтда хўжалик аъзоларининг ўртача ойлик иш ҳақи 1700—1800 сўмдан тўғри келяпти. Жамоа бошқаруви колхозчиларнинг ойлик иш ҳақи миқдорини бозор иқтисодиёти талаблари даражасида тағин бирмунча ошириш йўлларини изламоқда.

Искандар Дўсов номли жамоа хўжалиги аъзолари, Бешариқ қишлоғининг кекса-ю ёшлари Президент фармонларини чинакам фаровонлик манбаи, деб баҳоламоқдалар.

Э. МАДРАҲИМОВ, «Узбекистон овози» мухбири.

«МУСТАҚИЛЛИК–МЕНИНГ ИФТИХОРИМ» ФОТОКОНКУРСИГА



Ариза бергани келдик. Биз энди бир умр биргамиз. Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат-лавҳалар.

• *Журналнинг янги сонларида*

«МУЛОҚОТ»

Жариданинг навбатдаги сони босмадан чиқди. У одатдагидек долзарб муаммолар, ечимини кутаётган масалалалар, тарихий ва ислом маданиятига мансуб бир қатор мақолалалар билан одатдагидек диққатингизни тортади. Жарида Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси Ҳайдар Пўлатовнинг «Мустақиллик масъулияти» сарлавҳали жажжи мақоласи билан очилади. Муаллиф унда мустақиллик ва унинг муаммолари, мамлакат мустақиллигини таъминлашнинг долзарб, кечиктириб бўлмайдиган масалалари, демократик тузумни шакллантириш ва инсон ҳуқуқлари юзасидан бир қатор муҳим масалаларни кўтариб чиқади.

Н. Худойберганов, М. Орипов ва Э. Ўриновларнинг мақолаларида ҳам шахснинг баркамоллиги, миллий уйғониш даврида шахс ва ижтимоий муносабатлар хусусида фикр юритилади.

«Мулоқот» одатдагидек маданий меросни ўрганишга алоҳида эътибор беради. Жариданинг мазкур сонида Ориф Усмоннинг «Ўрта Осиё тарихи» ва унинг муаллифи хусусида», Асқар Маҳкамнинг «Ҳақ йўли», Бўрибой Аҳмедовнинг «Амир Темурга мактублар» номли мақолалари кенг ўрин олган. Мазкур мақолаларда имон ва эътиқод, ислом маданиятнинг янги қирралари хусусида гап боради. Ўрта Осиё тарихини ўрганишга доир янги маълумотлар берилади.

«Мулоқот» дафинаси» рукни остидан Маҳмуд Сатторнинг халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари ва миллий ўзига хос удумлари борасида тўплаган мақолалари ўрин олган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА

«Бирлик» ҳаракатининг раҳбарияти қонуний сайланган республика давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари шаънига туҳмат-уйдирмалардан иборат гаплар айтганлиги муносабати билан 1992 йил 6 октябрь куни «Бирлик» ҳаракатининг ҳамраиси Ш. Исматуллаев Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига таклиф этилди. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари М. М. Ҳакимов «Бирлик» ҳаракати раҳбарияти ўз низомидаги вазифаларини ва республиканинг амалдаги қонунларини бузганлиги фактлари юзасидан унга расмий огоҳлантириш хатини топширди.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Муассислар:

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Қенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ
33-65-45, 32-55-15

Бош муҳаррир ўринбосари

Тўлаган НАЖМИДДИНОВ,
33-06-83, 32-55-04

Масъул котиблар

Абдуваҳоб АБДУБАННОПОВ,
33-41-89, 32-55-70

Эркин ХУЖАЕВ,
33-79-14, 32-53-05

Масъул котиблар ўринбосарлари

Ҳамид СУЛТОНОВ,
Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
33-72-83, 32-53-06.

РЕДАКЦИЯЛАРНИНГ МУДИРЛАРИ

Иқтисодий ҳаёт — Жўра ХОЛҚОСИМОВ
33-47-80, 32-53-14

Ижтимоий ҳаёт — Миршароф МУҲСИМОВ
32-21-43, 32-53-16

Вилоят мухбирлари билан ишлаш—

Норбобо ШАКАРОВ
33-12-16, 32-57-20.

Хатлар — Муҳаммад ЮСУФ
33-20-36, 32-54-35

Ахборот-тижорат.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ —
32-54-14

Бош муҳаррир ҳузуридаги махсус мухбирлар

Рустам РАҲМОНОВ (Фарғона минтақаси бўйича)
Булоқбошидаги телефон — 37-152

Абдулла ПЎЛАТОВ —
33-44-55, 32-55-05.

Ўз мухбирларимиз:

Анорбой ҚУРОНБОЕВ (Андижон) — 4-21-05

Нусратулла НАИМОВ (Бухоро) — 3-96-12

Абдужалил УМАРОВ (Гулистон) — 2-63-48

Баҳриддин САТТОРОВ (Жиззах) — 3-31-86

Мусо ҚАРОМОВ (Қарши) — 3-25-70

Музаффар ШАРОПОВ (Навоий) (ҳозирча телефон йўқ).

Абдуҳошим МАДАТОВ (Наманган) — 6-54-11

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ (Нукус) — 2-42-62

Фармон ТОШЕВ (Самарқанд) — 35-22-90

Эркин МАДРАҲИМОВ (Урганч) — 6-72-60

Алишер ИБОДИНОВ (Фарғона) — 6-97-40

Олимжон УСАНОВ (Термиз) — 2-23-01

Тўхтамурод ТОШЕВ (Тошкент шаҳри) —33-76-04

Саҳобиддин СИРОЖИДДИНОВ (Тошкент вилояти) — 32-26-70

Манзилгоҳимиз:
700083, Тошкент—ГСП
Ленинград кўчаси, 32-уй.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

● АНДИЖОН

УЙҒУРЛАР ШОДИЁНАСИ

● Андижон вилояти Уйғур байналмилал маданият марказининг ташаббуси билан Пахтаобод районидаги Уйғуробод қишлоғида уйғур миллий маданият байрами ўтказилди. Унда Андижон вилоятида яшаётган уйғур халқ вакиллари ҳамда қўшни Қирғизистондан келган меҳмонлар иштирок этишди.

Пахтаобод район ҳокими У. Иномиддинов, қўшни Жалолобод вилояти Новкей райони ҳокими Ж. Тиллакеев уйғурлар шодиёнасига келганларни табрикладилар. Шу райондаги 10-мактаб ўқитувчиси, вилоят кенгашининг депутати Акрамжон Ҳамроқулов Ўзбекистонга бағишланган қасидасини ўқиб берди. Уйғуробод масжиди имом хатиби Ҳошимжон қори Абдуллажон ўғли эзгулик ва саховат ҳақида гапириб, район ҳокимига Қуръони Каримнинг Қошғарда босилган уйғурча тафсирини топширди ва уни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга етказилишини илтимос қилди. Байрамда юртга ош тортилди. Турмуш шароити оғир оилаларга 1000 сўмдан пул улашилди. Меҳмонларга эса уйғур миллий кийимлари совға қилинди.

Байрам қатнашчилари Ислом Каримовга Андижон вилоятида яшовчи уйғурлар номидан Очиқ хат қабул қилдилар. Унда республика Президенти ва ҳукуматининг олиб бораётган йўли тўла маъқулланган.

Анорбой ҚУРОНБОЕВ,

● САМАРҚАНД

МИРИЙ ВА БАДНОМ МИРШАБ

●Очилмурод Мирий (1841—1899) Зарафшон воҳасида машҳур бўлган шоирдир. Аввал ўзи туғилиб ўсган Каттақўрғонда, кейин Бухородаги мадрасаларда таҳсил кўрди. Мактабдор домла ва қози бўлиб ишлади.

Мирий XIX аср ўзбек адабиётининг икки тилда ижод этган сермаҳсул ва забардаст намояндаларидан. Навоийнинг «Хамса»си достонлари руҳида яратилган «Раъно ва Зебо», «Мажиддин ва Фахринисо», «Рустам ва Суҳроб» каби романтик асарлари эпик поэзиянинг ноёб дурдоналарига айланди.

Очилди шоир разолатга, адолатсизликка доимо нафрат билан қаради. У шеърларидан бирида порахўр, бадном миршабни «У паҳмоқ соқол ё аҳмоқ ёки ҳайвонларга қариндошдир» деб таърифлайди.

Яқинда каттақўрғонликлар адибнинг 150 йиллик тўйини муносиб нишонладилар. Шаҳарда шоир бюсти ўрнатилди.

Ўша куни тўй тўйга уланиб кетди. Абдулҳамид Мажидий номли ўзбек драма театрининг 70 йиллиги ва «Каттақўрғон ҳақиқати» газетасининг 60 йиллиги ҳам кенг нишонланди. Драматург Яздон Худойқулов, шоирлар Нормурод Нарзуллаев, Бибисора Туробова, адабиётчи Нуриддин Шукуров, Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигининг ходими С. Зиёмов тантаналарда дил сўзларини изҳор этдилар. Учала тадбирда ҳам вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Ф. ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДАВЛАТ АВТОМОБИЛЬ НАЗОРАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА

● Азиз газетхон! Шу бугундан бошлаб юқоридаги рукн остида республика автомобиль йўлларида содир бўлаётган ҳодисалар, воқеалар, янгиликлар билан Сизларни таништириб борамиз.

Маълумки, ДАН фаолияти йўлларда содир бўлаётган ҳодисаларнинг кўп ёки камлигига қараб баҳоланади. Шундан хулоса қилиб, биргина Тошкент шаҳридаги вазиятга назар солсак, 1992 йилнинг бошидан бери 1848 марта йўл-транспорт ҳодисаси юз берган. Бу ўтган йилдагидан 18,1 фоиз камдир. Бевақт умри ҳазон бўлганлар 188 нафар. Бу ўтган йилдагидан 18,1 фоизга кам. Жароҳатланганлар 2155 киши бўлиб, бу ҳам ўтган йилдагидан — 13,7 фоизга камдир.

● 20 сентябрь куни ДАНБ ЙПХ (йўл патруль хизмати) полки катта инспектори Р. Аҳмедов Собир Раҳимов районида хизмат вазифасини ўтаётганида М 80—64 ТШ рақамли «ВАЗ-2103» автомобилни С. Юнусов бошқариб кетаётганида тўхтатди. Бу машина худди шу куни Қорасарой кўчасидан олиб кочилган экан.

● 22 сентябрда ДАНБ полки инспектори, милиция сержанти А. Атамбаев Мирзо Улуғбек районида 05—57 ТНА рақамли «ЛАЗ-695» автобусини олиб қочган А. П. ни ушлаб, 1-милиция бўлимига топширди.

● 23 сентябрда Собир Раҳимов районида хизмат вазифасини ўтаётган район ДАН бўлинмаси ходими, милиция сержанти Хўжамқулов ДАНБ ЙПХ полки сержанти Расулов билан 35—29 ТНЧ рақамли автомашинани тўхтатишди. Зуллик билан кўрилган чора-тадбирлар натижасида автомашина ва уни бошқарган фуқаро А. Усмонов ушланди. Маълум бўлишича, 35—29 ТНЧ рақамли «ВАЗ-21011» автомашина шу куни ТошМИ даҳасидаги 5-уй олдидан олиб қочилган экан.

● 24 сентябрда Мирзо Улуғбек райони Пушкин майдонидаги ДАНБ ЙПХ полки ходимлари, милиция лейтенанти Ш. Ниёзов ва А. Тўйчиевлар давлат рақамлари йўқ оқ рангли «ВАЗ-2106» автомашинасини тўхтатишди. Ҳайдовчи тўхташ ўрнига тезликни ошириб, қочишга ҳаракат қилди. Лекин дарҳол кўрилган чора-тадбирлар натижасида ҳайдовчи А. Файзиев ва автомашина қўлга олинди. Маълум бўлишича, ушбу машинани давлат рақами Т 60—52 ТН бўлиб, бир кун бурун Юнусобод районидаги Ботаника боғидан олиб қочилган экан.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● БИРИНЧИ КОТИБ НЕГА ОГОҲЛАНТИРИЛДИ?»

● ОИДИН ҲОЖИЕВА ИЖОДХОНАСИДА

● ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КУРА: «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ

● НАМАНГАН: «КИОСКА ОРТИДАГИ ҚАРОҚЧИЛАР». (Фельетон).

● ҚАШҚАДАРЁ: «САВДОДАГИ ҒАВҒОЛАР». (Фельетон).

● МИРЗА КАРИМ: «МОҲЛАРОЙИМ» РОМАНИДАН ПАРЧАЛАР.

• *Спорт* • *Спорт*

ХОТИРАВИЙ БЕЛЛАШУВ СОВРИНДОРЛАРИ

● САМАРҚАНДДА дзюдо кураши бўйича атоқли давлат арбоби Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишланган хотиравий мусобақа ўтказилди.

Мусобақада Самарқанд ва Бухородан тўпланган 200 нафардан ортиқ полвон ўзаро беллашди. Қизғин мусобақада вазнларига кўра самарқандлик Ибодов, Шумаев, Файзиев, Тошев ва Сидоровлар ғалаба қозонишди. Бухоролик Умаров, Абдуҳадов, Каримовлар ҳам ғолиблик супасига кўтарилишди. Ғолибларга ХДП вилоят Кенгаши таъсис этган совринлар топширилди.

ТУНГИ ПОЙГА ҒОЛИБЛАРИ

● Тошкентда велосипедчиларнинг тунги пойгаси бўлиб ўтди.

Шаҳар ҳокимлиги соврини учун ўтказилган мусобақа иштирокчилари 20 даврадан иборат 62 километрли йўл босишди. Қозоғистон ва Туркманистон пойгачилари ҳам қатнашган бу пойгада чирчиқлик Олег Кримцов биринчи ўринни эгаллади. Чимкентлик Александр Василенко билан самарқандлик Асқад Шарофиддинов Мустақиллик майдонига иккинчи ва учинчи бўлиб етиб келишди.

СПАРТАКИАДА АНЪАНАВИЙ БЎЛАДИ

● ЎЗБЕКИСТОН Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва республика спорт қўмитаси ташкил этган меҳнаткашлар, ногиронлар ва ўқувчилар спартакиадасининг якунлари чиқарилди.

Тошкентдаги «Старт» ва «Динамо» ўйингоҳларида тўрт кун давом этган мусобақалар кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Волейболчи аёллар мусобақасида ғалаба қозонган андижонлик спортчилар мини-футболга ҳам пухта ҳозирлик кўришганлигини намойиш этдилар. Волейболчи йигитлар ўртасида эса Самарқанд вилояти жамоаси биринчиликни қўлга киритди. Стол тенниси баҳсларида тошкентликларга ҳеч ким бас кела олмади. Оилавий спорт жамоалари мусобақасида эса сирдарёликлар зафар қучдилар. Умумжамоа ҳисобида Наманган вилояти вакиллари пешқадамлик қилишди. Бундай спартакиада анъанавий равишда ўтказиб турилади-ган бўлди.

ЧАВАНДОЗЛАР ОТ ЎЙНАТГАНДА

● АНДИЖОНДА чавандозлик бўйича илк марта Ўзбекистон миллий чемпионати ўтказилди.

Мусобақада беш нафар чавандоз биринчи марта республика спорт устаси унвонига сазовор бўлди. Уч кураш баҳсларида Ғайрат Эрназаров ўз аргумоғини мусобақага яхши шайлаганлиги кўринди. Тўсиқлардан ошиш мусобақасида Василий Чернишев маҳорат кўрсатди. Нодира Ғалиеванинг от ўйнатиши юқори баҳоланди. У ҳам Ўзбекистон чемпиони бўлди.

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ МАВҚЕИНИ МУСТАҲКАМЛАШДИ

● «ОСИЁ» кубоги учун Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикалари терма футбол жамоаларининг навбатдаги учрашувлари бўлди.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси Қирғизистон футболчиларини қабул қилиб, 6:2 ҳисобида ғалаба қозонишди. Бу ютуқдан кейин футболчиларимиз еттита очко билан биринчи ўринга кўтарилдилар. Қозоғистон терма жамоаси ҳисобида 6 та очко бор. Қозоғистон—Тожикистон футболчиларининг учрашуви кечиктирилди. Республикамиз терма жамоаси 14 октябрь куни Қозоғистон футболчиларини қабул қилишади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТИНИНГ ЖАРЧИНОМАСИ

ЮТУҚЛИ МАБЛАҒЛАРИНГИЗНИ ЖАМҒАРМА БАНКЛАРИГА ҚЎЙИНГ!
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА 1992 ЙИЛ 6 ОКТЯБРДА БЎЛИБ ЎТГАН ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР 100-ТИРАЖИНИНГ
Расмий жадвали

Ўзбекистон Республикаси барча омонат жамғарма банкларидаги ютуқли омонатлар бўйича қуйидаги ҳисоб рақамларига қуйидагича ютуқлар чиқди.

Ҳисоб рақамлари	Омонатнинг ўртача суммасига нисбатан ютуқнинг фоизлардаги ҳажми.
А—030	25 (йигирма беш) фоиз.
А—040	25 (йигирма беш) фоиз.
А—081	100 (юз) фоиз.
А—133	200 (икки юз) фоиз.
А—164	25 (йигирма беш) фоиз.
А—218	25 (йигирма беш) фоиз.
А—248	25 (йигирма беш) фоиз.
А—281	25 (йигирма беш) фоиз.
А—331	25 (йигирма беш) фоиз.
А—377	100 (юз) фоиз.
А—424	25 (йигирма беш) фоиз.
А—471	25 (йигирма беш) фоиз.
А—516	25 (йигирма беш) фоиз.
А—526	25 (йигирма беш) фоиз.
А—592	25 (йигирма беш) фоиз.
А—613	50 (эллик) фоиз.
А—670	25 (йигирма беш) фоиз.
А—683	50 (эллик) фоиз.
А—723	25 (йигирма беш) фоиз.
А—763	25 (йигирма беш) фоиз.
А—830	25 (йигирма беш) фоиз.
А—859	25 (йигирма беш) фоиз.
А—904	25 (йигирма беш) фоиз.
А—952	25 (йигирма беш) фоиз.
А—994	25 (йигирма беш) фоиз.

1000 дан ортиқ счети бўлган жамғарма банкларида кейинги мингликларда ҳам биринчи мингликда ютган ҳисоб рақамларига ютуқлар чиқди. Яъни А—030, А—1030, А—2030 ва ҳоказо, —040, А—1040, А—2040 ва ҳоказо. А—081, А—1081, А—2081 ва ҳоказо.

Тираж комиссиясининг раиси — Тошкент шаҳар Миробод район ҳокими В. А. ЧЕКМАРЁВ.

Масъул котиб З. А ТИНЧЕРОВ.

Чиноз ҳокимияти қошидаги мойларни тозалаш фильтрларини ишлаб чиқарувчи «Виктория» кооперативи

ТУГАТИЛДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Чиноз районы: Олмазор шаҳарчаси, «Реготмас» тажриба заводи.

Тошкент Давлат университетининг 1992—1993 ўқув йили учун кундузги ва кечки тайёрлов бўлимига тингловчилар қабул қилиниши ҳақидаги «Ўзбекистон овози» газетасининг 1992 йил 30 сентябрь сонида берилган эълон

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ишдан ажралган ва ажралмаган ҳолда 1992-йилга қуйидаги мутахассисликлар бўйича аспирантурага қабул эълон қилади. Назарий тилшунослик, олмон тиллари, роман тиллари, рус тили, чет тиллар, рус тили ўқитиш методикаси, рус адабиёти, Ғарбий Европа мамлакатлари, Америка ва Австралия адабиёти, назарий педагогика ва педагогика тарихи. Аспирантурага кирувчилар олий ўқув юртлари Программаси ҳажмида қуйидаги танлов кириш имтиҳонларини топширадилар: мутахассислик бўйича фалсафа ва чет тилларидан бири.

Кириш имтихонлари 1992 йил 18 ноябрда бошланади.

Қабул қилинган тартиб асосида расмийлаштирилган шахсий ҳужжат ва мутахассислик бўйича рефератни 25 октябрга қадар юбориш керак.

Манзилгоҳимиз: 700138, Тошкент шаҳар, Собир Юсупов кўчаси, Г 9а мавзеси, уй-21а, Аспирантура бўлими.

Телефон: 75-09-91.

СОТИЛАДИ

БК-0010101 учун энг янги дастурлар. Телефон: 98-33-39

* * *

чех унитази, раковина, кафель, ванна. Телефон: 97-74-12

93-ўрта мактаб номидан Э. В. Асриян номига берилган А—500153 рақамли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

8-кечки-сменали мактаб томонидан А. Х. Ибрагимова номига берилган 613393 рақамли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси.

Г—394. № 198.

топшириш вақти — 21.00

топширилди — 21.30.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.